
Сув муоммоси юзасидан Данғара сув истемолчилар уюшмаси томонидан қуйидагилар билдирилди.

Ижтимоий тармоқларда берилаётган сув муоммоси юзасидан Данғара сув истемолчилар уюшмаси томонидан қуйидагилар билдирилган.

Данғара туманидаги “Элнурбек Бахти Мухаммад” балиқчилик фервер хўжалиги катта фарғона канали ва Сўх дарёси манбаларига боғланган. Турксарой бетон каналидан сув билан тامينланади. “Элнурбек Бахти Мухаммад” балиқчилик фервер хўжалиги Данғара сув истемолчилар уюшмаси билан 2020 йил носуғориш ва суғориш давирлари учун 24 гектар майдонга шартнома тузган ва 1 млн 104 минг м3 лимит ажратилиб 9 ойга тақсимланган. Туркистон каналидан берилган сувга асосан ажратилган лимит асосида сув бериб келинган.

Июн ойида Сўх дарёси манбаларида сув камлиги сабабли сувлар туманга навбат усулида 4 кунда берилмоқда. Шунинг учун Турксарой канали ҳам 3-4 кунлаб қуриқ бўлмоқда.

2020 йил вегетация мавсумида сув тақчиллиги кутилаётганлиги муносабати билан тумандаги барча сув истемолчилари ва шу қаторда “Элнурбек Бахти Мухаммад” балиқчилик фервер хўжалиги ҳам расман огохлантирилган.

2020-07-29 16:17:08